

Аллоҳ таолонинг валий бандаларидан бўлишимизга сабаб бўлувчи 10 та амал



11:00 / 02.02.2021 2599

Саккизинчи амал

Аллоҳ таолонинг неъматлари, эҳсони, фазли тушадиган саҳар пайтларида холи қолиб, Унинг Каломини тиловат қилиш, Унинг ҳузурида қалб билан, бандалик одоби билан туриш ва бу хилватнинг сўнггида истиғфор ва тавбага машғул бўлиш.

Аллоҳ таоло саҳар пайтида истиғфор айтувчиларни мақтаб, шундай деб марҳамат қилган:

«Ва улар саҳарларда истиғфор айтар эдилар» (Зориёт сураси, 18-оят)

Саҳар пайтида кўпчилик ухлаётган бўлгани учун бу пайтда қилинадиган ибодат риедан холи бўлади. Қолаверса, бу вақтда дуолар ижобат бўлиб, гуноҳлар мағфират қилинади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қудсий ҳадисларнинг бирида: **«Албатта, Аллоҳ таоло ҳар куни кечанинг учдан бири қолганда дунё осмонига тушади ва тонг отгунча «Тавба қилувчи борми? Тавбасини қабул қиламан, истиғфор айтувчи борми? Мағфират қилиб, гуноҳини кечаман? Сўровчи борми, сўраганини бераман», дейди»,** деганлар.

Бу пайтда Қуръони Карим тиловати билан машғул бўлиш, таҳажжуд намози ўқиш, истиғфор айтиш, дуо қилиш энг улуғ амаллардандир.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам **«Фарз намозлардан кейинги энг афзал намоз таҳажжуд намозидир»,** деганлар.

Имом Муслим ривояти.

Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳдан: «Нима учун тунда таҳажжуд ўқийдиганларнинг юзи гўзал бўлади?» деб сўрашди. У зот шундай дедилар: «Улар Раҳмон сифатли Зот – Аллоҳ билан холи қолишганда У Зот уларга Ўз нуридан ато этади».

[Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади](#)